

КИТОБ САВДОСИ БИБЛИОГРАФИЯСИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ

Наурызбаева Ширин

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Нукус филиали

4-курс талабаси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8260355>

Аннотация. Мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари ишига алоҳида эътибор билан қаралади, тўртинчи ҳокимият деб юритилувчи воситалар оммани дунё ва мамлакатимиз ичидаги сиёсий аҳвол, оддий, маданий-маърифий янгиликлар, воқеалар, фан, техника тараққиёти, кашфиёт ва ихтиролар билан таништиради, кишиларни уларда фаол иштирок этишга жалб қилади, улар бадий, эстетик дидининг шаклланишига ёрдам беради. Вақтли матбуот нашрлари оммавий ахборот воситалари ва умуман ахборот ресурслари орасида алоҳида ўрин тутади.

Калит сўзлар. Ахборот технология, кутубхона, библиография, матн, афиша, плакат, китоб.

Библиографиянинг вазифаси савдога чиқарилган кўп сонли китобларни сотишга ёрдам бериш эди. Библиографиянинг мутлақо янги тури – «китоб савдоси библиографияси» пайдо бўлиб, ҳаридорларга турли давлатларда шаклланган китоб савдоси тармоқлари орқали хизмат қилиш эди.

Китоб босиш Европада биринчи миллий давлатларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлди ва ривожлана борди. Китоб савдоси библиографиясининг дастлабки кўриниши кезиб юрадиган китоб савдогарларининг эълонлари ҳисобланади. Бу китоб савдогарлари – босма китобнинг биринчи юз йиллигидаги муҳим шахслар эди. Китобларни бозорга тайёрлаётган босмахона эгаси – ноширлар уларнинг ёрдамсиз иш қила олмас эдилар. Бу сотувчилар ё ноширларнинг ёки китоб омборлари бўлган ёки китобнинг улгуржи савдоси билан шуғулланувчи йирик савдогарларнинг бевосита вакиллари эдилар. [1. Б. 85-90].

Шу сабабли уларнинг эълонлари биринчи навбатда уларни китоб билан таъминлаган фирмаларнинг эълонларидан иборат эди. Бу китоб сотувчилар бирор аҳоли турар жойларига боргач, ўзининг келганлиги ҳақида ва келиши тўғрисида, шунингдек, уларнинг эътиборига қандай китоблар ҳавола этилаётгани тўғрисида хабар бериш керак эди.

Афиша ёки плакат кўринишдаги бундай эълонлар у келган қишлоқ ёки шаҳарларда энг кўзга кўринарли жойга: университет, черков, монастрларнинг деворларига ёпиштириб қўйилар эди.

Бу эълонларга тадқиқотчилар кейинроқ эътибор бердилар. Уларнинг кўпи бизгача етиб келмаган. Бу эълонлар жуда содда ёзилган бўлар эди. Уларда 20 дан ортиқроқ адабиётларнинг рўйхати бўлар эди. Кўп ҳолларда эълон биттагина китобга бағишланарди, эълоннинг охирида – пастда эса китоб сотувчи тўхтаган меҳмонхона манзили кўрсатилар эди. Плакат матни, сотиладиган китоблар рўйхати одатда босма, сотувчининг манзили қўлёзма бўлар эди.

Матн лотинча ёки камдан – кам ҳолларда халқ тилида тўзилар эди. Бироқ уларда адабиётлар системалаштирилмас эди. Фақат 1484 йилда босилган Эрх Ратдолтнинг

рўйхати бошқачароқ: теология, мантиқ, гуманитар фанлар ва поэзия, каноник ва граждан ҳуқуқи, медицина каби соҳаларга ажратиб берилган. [2. Б.3-11].

1498 йилда босмахона эгаси Алд Манусий ҳам ўз каталогини чиқарди. Унинг бу плакати ўзидан олдинги чиқарилган шундай плакатлардан бир белгиси билан фарқ қилади: унда Манусий ҳар бир китоб қаршисига унинг нарҳини кўрсатган, бунини у китоб сотиб олувчиларнинг кўп сонли сўроқларига жавоб бериш қийинлиги XVI асрда китоб савдоси библиографияси яна бир қадам олға силжиди. Бу даврда чиқиш даврийлиги белгиланган ярмарка каталоглари пайдо бўлди.

Бундай каталогларнинг биринчиси Франкфурт ярмаркасида пайдо бўлган. Бу ярмарка аллақачон жуда муҳим рол ўйнайдиган, шимолий ва жанубий Германия ўртасидаги, Германия ва Италия, Франция ва Нидерландия ўртасида савдо алоқаларини ўрнатишда муҳим рол ўйнаган.

Бу ярмаркалар каталоглари XVI аср бошларидаёқ тўзила бошлаган, бироқ чиқиш даврийлиги мунтазам белгилаб чиқарила бошлангани 1564 йилги ярмаркага тўғри келади.

Аугсбурглик йирик китоб савдогари Георг Виллер «Франкфуртдаги 1564 йилги кузги ярмаркага сотиш учун қўйилган янги китобларнинг каталоги» номли биринчи каталогни босиб чиқарди. Унда Виллер бу «каталогини бошқа шаҳарлик китоб савдогарлари ва китоб ишига содиқ шахслар фойдаланадиган ҳолда тузганини» айтади. и сабабли бир йўла ҳамма саволларига жавоб бериш учун қилганини айтади. [3. Б.31-38].

1598 йилдан расмий китоб савдоси каталоги чиқарила бошлади. Лекин Виллер каталоги Виллернинг шогирдлари томонидан яна 30 йил давомида чиқарилди. Расмий каталоглар Виллер каталогларидан тасвирларининг тўлиқроқлиги билан афзал эди. Классификациясида ҳам ўзгаришлар катта эди (Виллер ўша пайтда университетларда мавжуд бўлган 4 та факультетлар соҳалари - тарих, ҳуқуқ, математика, медицина бўйича берган эди). Виллер аввал нашр тили бўйича берган эди, расмий каталогда аввал фан соҳалари бўйича ажратилди.

XV – XVI асрларда китоб босиш жуда ривожланди. XV асрда босилган китоблардан бизгача 40 мингга етиб келган. XVI асрда, айниқса реформация даврида китоб босиш ўсди. XVII асрнинг I – чорагига келганда Германия дунёда шундай тўлиқ маълумотни берувчи китоб савдоси библиографиясини асосий чиқарувчи давлат бўлиб қолди.

XVI – XVII асрларда библиографиянинг энг ривожланган тури ҳам шу китоб савдоси библиографияси бўлди. Европанинг икки қарама – қарши лагерга бўлиниши ва улар ўртасида курашнинг кучайиши ҳар иккала лагерь томонидан библиографияни ўз мақсадларида фойдаланишга олиб келди.

1559 йилда Римда папаси томонидан тасдиқланган «Тақиқланган китоблар индекси» кўрсаткичи чиқди. Кейинчалик бундай индекслар тўлиқ ва XX асрнинг бошигача махсус ташкил этилган конгрегация томонидан тайёрланиб, чиқарилиб борилди. Босма маҳсулот мавзусининг турли – туманлаша бориши библиография олдида харидорнинг махсус ва ихтисосли қизиқишини ҳисобга олиб китобларни танлаб

бериш масаласини қўйди. Натижада тармоқ библиографиясининг пайдо бўлишига имкон яратилди. [4.Б. 52].

Дастлабки, тармоқ қўлланмаси тиббиётга оид бўлиб, Франция қироли Карл VIII нинг, кейинчалик Людовик XII ва Герцог Лоторингскийнинг шифокори Симфориан Шампе тузган «Тиббиёт бўйича машҳур ёзувчилар тўғрисида, беш трактатга бўлинган» номли кўрсаткичидир. У Лионда 1506 йилда босилган. Лекин бу асар у қадар мустақил тўзилмай, олдинги тўзилган библиографик материаллардан кўп маълумотлар кўчириб олинган эди. Бу асар мавзуси ва энг биринчи тармоқ кўрсаткичи бўлиши билан библиография тарихида муҳимдир.

Ундан кейин 1530 йилда Отто Брунфелснинг «Машҳур медиклар каталоги ёки медицина бўйича биринчи ёзувчилар тўғрисида» («Каталог о знаменитых медиках или о первых медитсинских писателях по медитсине») кўрсаткичи;

Пасхал Галлнинг «Медицина кутубхонаси» («Медитсинская библиотека») кўрсаткичи (1590 йилда); Израэл Шпахнинг «Медицина ёзувчиларининг исмлари кўрсаткичи» («Именной Указатель медитсинских писательей») кабилар ҳам яратилди.

Ҳуқуққа оид биринчи библиографик қўлланма Иоанн Невитссано тузган «Ҳар икки (илоҳий ва граждaн) ҳуқуқ бўйича китоблар рўйхати» («Список книг по обоим (гражданских и канонических) правам») 1552 йилда босилган.

1559 йилда Венецияда Дж. Бат. Дзилеттининг «Ҳозирги кунгача нашр қилинган ҳар икки (папа, император) ҳуқуқ бўйича барча китоблар кўрсаткичи» босилди. Бу Невитссанонинг юқоридаги кўрсаткичини тўлдирибгина қолмай, унда янги системалаштириш қўлланилган. Бу библиография қайта ишланган ва тўлдирилган ҳолда бир неча марта қайта нашр қилинган. [5. Б.17-22].

1598 йилда Израэл Шпах яна «Файласуф ва филолог ёзувчиларнинг исмлари кўрсаткичи» («Именной Указатель писательей философов и филологов») ни чиқарди. Унда 400 га яқин предмет рукнлари остида Шпах 4000 дан ортиқ авторлар исмларининг алифбо ёрдамчи кўрсаткичини илова қилди. Шундай қилиб, XVI асрга келиб библиографиянинг яна бир тури – тармоқ библиографияси мустақил нашр этилган библиографик кўрсаткичлар билан пайдо бўлди. Яна қатор китоб ичи библиографик рўйхатлари ҳам кўп босилди.

Бу даврга келиб Европа давлатларида библиографиянинг яна бир тури миллий библиография намуналари ҳам пайдо бўла бошлади.

References:

1. Маматраимова Х. Кутубхоналар ўлкашунослик фаолияти : ҳолати, ташкил этилиш масалалари // Маданият – миллий бирлик асоси / ТошдМИ.-Т.: Адолат, 2004.- Б. 85-90.
2. Трубина Е.И. Краеведческие ресурсы на сайтах библиотек //Библиогр.- 2004.- № 1.- С. 3 – 11.
3. Шатохина Н.З. Краеведческие библиографические ресурсы областных библиотек // Библиогр.- 2008.- № 2.- С. 31- 38
4. Мищенко В.М. Компьютеризация библиографической деятельности библиотек.

М., 1990 .С- 52 с.

5. Калинина И.Г. Библиографическая продукция в электронном формате // Библиогр.-2004.- №2.- С. 17-22.

